

Ўзбек хонликлари солик сиёсатида шариат талабларига тўла риоя этилган деб бўлмайди. Закот, ушр, фитр садакаси каби тўловлар, баъзи мутахассислар таъкидлаганидек, солик бўлмай, балки банданинг молий ибодатлари саналади. Конлардан, хазинадан, харбий ўлжалардан давлат хазинасига хумс (бешдан бири) берилган.

Хирож эса ўрта асрлардан буён ер солиги сифатида олиб келинган. Бу соликни ундиришда ягона катъий тартиб бўлмаган. Хирож солигининг миқдорини давлат бошлиги белгилаб берган. У тайёр махсулот ёки унинг қийматига тенг пул шаклида ундирилган. Жизя солиги мусулмон бўлмаган фуқаролар, яъни, зиммийлардан ундирилган. Жизя солигини вояга етган эркак зиммийлар тўлашган.

Бухоро хонлигида шайбонийлардан кейин давлат тепасига келган аштархонийлар даврида ҳам мамлакатни, давлат хазинасини бойитиш учун соликларнинг тури ва миқдори оширилган. Жумладан, хирож, ихрожат, бож каби соликлар каторида хар хил кичик ва катта соликлар ҳам бўлган. Айниқса, Субхоникулихон тахтга келганида соликларнинг тури кўпайди. Унинг даврида етти йиллик соликларни олдиндан, бир йилда йиғиш бўйича махсус фармон эълон қилинди. Хоннинг бундай қарори аҳолини қийин ахволга солиб қўйди, янада кашшоқлашувига сабаб бўлди. Чунки мамлакатда асосий солик тўловчилар дехконлар, хунарманддар, савдогару чорвадорлар бўлишган. Аҳоли солик тўлашдан ташқари мамлакатда уюштирилаётган турли тадбирларга, мажбурий ишларга жалб қилинган, қўшимча жарималар ҳам солинган.

Бухоро хонлигида ҳам, бошқа жойларда бўлгани каби, хон марҳамат кўрсатганлар ва етакчи дин пешволари ҳамда хон имтиёз берган шахслар барча соликлардан озод қилинган.

Холикулов А. “Чирокчи беклигининг Бухоро амирлиги сиёсий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни” (XIII-XX аср бошлари). Тарих, мустақиллик, миллий гоё. (Республика илмий-назарий анжумани материаллари), Т., 2001, 198-бет.

Хива хонлигида эса бож, жизя каби соликлар каторида салгут, агут, милтик пули, тарози пули, дарвозабон пули, мушрифона каби йиғирмадан ортиқ солик ва йиғимлар ҳам тўланган. Бундан ташқари аҳоли турли мажбуриятларни бажариши лозим бўлган. Масалан, мулкдорлар маъмуриятини боқиш, харбийларнинг вақтинча тўхташида уларнинг озик-овқати ва бошқа харажатлари учун йиғиладиган йиғимлар, сув таъминоти билан боғлиқ мажбуриятлар шулар жумласидандир.

XIX аср бошларида давлатни бошқарган Эл-тузар солик бўйича ислохотлар ўтказди. Мамлакатда аҳолидан ер солиги ундирилди. Бу солик хусусий ер эгаларидан ер майдонига қараб олинган. Ери бўлмаган дехконлар ховлиси ҳисобидан тўлашган. Хонликда солик бўйича имтиёзга эга бўлганлар табақасига катта амалдорлар, хонга яқин кишилар, дин арбоблари, сарой хизматчилари, навқарлар қиришган.

Қўкон хонлигида ҳам давлат хазинаси учун, мамлакатнинг эҳтиёжи учун солик ундириш тизими шакллантирилган эди. Бухоро ва Хива хонликларида нисбатан Қўкон хонлигида соликларнинг тури кўпроқ бўлган. Моллар ва ҳайвонлардан олинадиган, тўйлардан олинадиган солик, меросларни бўлишда тушадиган солик, дўконлар, қарвонсаройлар,

омборхоналардан олинадиган солик, дарё кечувларидан ўтиш солиги, туз солиги, хонга карашли бўлган ижарага берилган ерлардан олинадиган соликлар ва хоказо... Хонликда соликгарнинг миқдори хоннинг ихтиёри билан тез ўзгариб турган. Айниқса, ҳарбий ҳаракатлар пайтида соликларнинг тури ва миқдори янада кўпайган.

Ўзбек хонликларида солик йиғишда бекликларнинг хизмати катта бўлган. Жумладан, Бухоро амирларига карашли бўлган Чирокчи беклигида аворизот (фавкулудда ҳолатларда йиғиладиган ҳарбий солик), корачерик (Бухоро амирлиги кўшинларини боқиш учун бериладиган солик), яксара (кўш пули; кўш ҳўкизи борлардан йиғилган), чўп пули, ҳарбуз пули (лалмикор ерларга экиладиган тарвузлардан олинган), муҳрона (кози, муфти, раис ва бошқа ҳукмдорларнинг муҳри учун солик), хизматона (козиларга, бекларга берилган тўлов) васика пули ва бошқа солик турлари ҳам бўлган.

XVI-XIX асрлар оралиғида хонлик ва амирлик-ларнинг солик сиёсатида ҳукумат белгилаган тартибларга риоя қилишда шариат қоидаларидан узоқлашиш кўзга ташланади. Соликтарнинг белгиланиши, ундирилиши, сарфланиши жихатидан ҳам шариат талабларидан чекинган. Жумладан, йўл, кўприк, мадади лашкар, қўналга, бож ва бошқа соликлар ҳамда йиғимлар шариатда қўрсатилмаган соликлардан ҳисобланади.

Хонликлардаги низолар-қелишмовчиликлар ҳам аҳолининг моддий жихатдан янада қийналишига олиб келар эди. Бунинг устига, янги солик турлари кўпаяверган. Масалан, ҳатто боглар, бедазорлар, сув тизимида қаровчи мироблар учун (миробона), полиз экинлари учун ҳам алоҳида (танобона) соликлар белгиланган.

Ўзбек хонликларида йиғилган соликлар шариатнинг асосий манбаи Қуръони қаримда қўрсатилганларга эмас, хон томонидан белгиланган жойларга унинг фармони билан юборилган. Хонликларда солик ундириш, унинг турлари ва миқдорини белгилаш, уларни тақсимлашда шариат талабларига риоя қилиш ўрнига, ҳар бир хонликда турлича тартиблар жорий қилинган. Чунки қўшин таъминоти, сарой ҳаражатлари, амалдорларга бериладиган маошлар ва бошқа ҳаражатлар асосан мамлакат ҳудудларидан йиғиладиган соликлар ҳисобидан бўлган.

Нормурод АВАЗОВ,
Тошкент Давлат юридик институти докторанти